



Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 июнь кун Америка Қўшма Штатлари Куролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Майкл Курилла бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 13 июнь кун стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасидаги самарадорликни ошириш масалалари буйича йиғилиш ўтказди.

Президент Шавкат Мирзиёев 6 июнь кун Тошкент ер усти ҳалқа метросининг иккинчи босқичи қурилиши билан танишиш чоғида жамоат транспорти тармоғини кенгайтириш ва метрополитен инфратузилмасини ривожлантириш буйича курсатмалар берган эди. 13 июнь кун ушбу ишларни ташкил этишга қаратилган лойиҳалар тақдироти билан танишилди.



13 июнь кун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма еттинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.



Сенат ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини сайлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Олий суд раиси бўлиб ишлаб келаётган Қозимжон Комилов мазкур лавозимга қайта сайланди.



Пойтахтимиздаги «Китоб олами» мажмуасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммад хоним ва Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаевнинг ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Осиё Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (ASOSAI) Бошқарув кенгашининг 58-учрашувида ушбу ташкилот таркибига тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди.



Мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов Ўзбекистонга икки кунлик ташриф билан келган АҚШ Куролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Майкл Курилла билан учрашди.



Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган 14-Туркий халқлар шеърят фестивалида ўз ижоди билан иштирок этган таниқли ўзбек шоири Эшқобил Шукур Бахтиёр Ваҳобзода номидagi бош мукофотга соҳиб бўлди.



Қўқон шаҳрида зўравонликдан жабр кўрган аёлларни реабилитация қилиш намунали туманлараро маркази фаолият бошлади.

Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2022 йил
14 июнь
сешанба
№ 75
(4671)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Бахтиёр болалар мамлакаати

Юртимиздаги оромгоҳларда ёзги соғломлаштириш мавсуми мароқли ҳам мазмунли ўтмоқда.

2

Биз қонун устувор бўлган жамиятда яшаётимиз. Ўзининг хизмат вазифини бажараётган оммавий ахборот воситаси ходимига тўсқинлик қилишга, унга нисбатан куч ишлатишга, қўлидаги микрофони ёки камерасини тортиб олишга ҳеч кимнинг, шу жумладан, ички ишлар органлари ходимларининг ҳам қонундан ҳаққи йўқлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Давлатимиз раҳбари «Қонуний фаолият юритаётган барча журналист ва блогерлар бундан буён ҳам қонун ва Президент ҳимоясида бўлади» деб алоҳида таъкидлаганини, афсуски, айрим осойишталик посбонлари унутиб қўйганга ўхшайди. Аксинча бўлганда, футболни ёритиш учун «Пахтакор» стадионига борган журналист ва тасвирчи ички ишлар ходимлари томонидан қалтакланмаган бўларди. Маълум бўлишича, жорий йилнинг 11 июнь кун Тошкент шаҳридаги «Пахтакор» стадионида футбол бўйича U-23 Осиё кубоғи чорак финали доирасида Ўзбекистон – Ироқ ўйини ёритишга борган «Sevimli» телеканали мухбири ва тасвирчисига нисбатан ички ишлар органлари ва

Куч ишлатганлар жазоланиши шарт!

Миллий гвардия ходимлари куч ишлатишган. Микрофони ва камерасини тортиб олинган камлик қилганидек, ходимлар томонидан қалтакланган. Худди жиноятчи каби журналистларнинг қўлларини қайириб, Шайхонтохур тумани ИИБ биносига олиб боришган...

Жабрланган мухбирнинг айтишича, ички ишлар ходимлари ундан кеңирим сўраб, ортиқча гап қилмасликни ва бирон жойда гапириб юрмасликни тайинлаган. Хўш, шу билан «ёпиғлик қолиб ёпиғлигимиз» қолаверадими? Амалдаги қонун нормаларини четлаб ўтган, ОАВ ходимларига зўравонлик қилган «осойишталик посбонлари» яна ҳеч нарса бўлмагандек, ўз ишини давом эттираведими?

Йўқ, энди бунга асло тоқат қилиб бўлмайди, улар қилмишига яраша жазоланиши ва бошқалар учун ибрат бўлиши зарур.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ОАВ ходимларининг ҳуқуқларини, қонуний



манфаатларини ҳимоя қилишда қатъий давом этади. Журналист фаолиятига тўсқинлик қилиш, ноқонуний йўллар билан дахл қилиш, шахсини обрўсизлантиришга бўлган ҳар қандай уринишларни кескин қоралайди.

Алоҳида қайд этамизки, мазкур ҳолат Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, АОКА, ЎзММА томонидан назоратга олинган, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Бош прокуратурага сўров юборилган ва шу билан бирга, ҳолат юзасидан мустақил ўрганиш ҳам олиб боришмоқда.

Энг ачинарлиси, ушбу кўнгилсиз ҳолат ижтимоий тармоқларда кескин муҳокама қилинаётган ва эътирозларга сабаб бўлаётган бир пайтда, яъни бугун Андижон шаҳар Янги бозор савдо мажмуасида Андижон ИИБ ходими томонидан шакар савдосини суратга

Муносабат



Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Конституциямизга ўзгартиришлар киритиш бўйича ташкил этилган комиссия фаолияти қизғин кечмоқда.

«ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ» тушунчаси Бош Қонунимизда акс этса...

Мамлакатимизда «истеъмол саватчаси» ва «яшаш минимуми»ни белгилаш масаласи энг кўп муҳокама қилинаётган, тез-тез кун тартибига чиқаётган мавзу эканини ҳисобга олиб, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия мутасаддиларидан ходимларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларига муносиб баҳо берилишини, уларга нисбатан қонуний чора кўрилишини ва бу ҳақида расман маълум қилинишини сўрайди.

«Истеъмол саватчаси» муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товар ва хизматларнинг энг кам тўплами ҳисобланади. Бу борадаги минимал меъерлар тирикчилик учун зарур энг кам миқдорни (истеъмол саватчасининг қиймат баҳосини) белгилаш учун асос бўлади. Соддароқ айтганда, «истеъмол саватчаси» бир инсон ёки оила учун маълум бир вақтга, масалан, бир ойга энг керак бўладиган озиқ-овқат, дори-дармон каби ҳаёт учун зарур воситалар ва хизматлар ҳисобланади.

Агарда бу масала ўз ечимини топса, аҳолининг реал даромадлари, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар ҳаётий эҳтиёжларни таъминлашга етарли миқдорда бўлади. Турмуш фаровонлиги янада ошади, аҳолининг ҳаёт тарзи юксалади.

«Истеъмол саватчаси» ва «яшаш минимуми» тушунчаларининг Конституцияда мустақамлаштириш бу борада алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқишига, уни амалга ошириш механизми белгиланишига асос бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий эҳтиёжманд тоифани ҳимоялаш нуқтаи назаридан ишларни тизимли амалга оширишга катта йўл ва имконият очиб беради.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Келгуси сонларда ўқинг...

МУТОЛААНИНГ ҲАМ ҚОИДАСИ БОРМИ?

ЧЎЛ ҚЎШИҒИ

ЁРИЛГИН ТОШ, ЁРИЛГИН, МЕН УСМОННИ КЎРАЙИН...

Тошкент
вилояти

Ўзбекистон касба уюмлари Федерацияси томонидан Бўстонлик туманида жойлашган «Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 12 июнь – Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунига бағишланган тантанали тадбир ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерацияси вакиллари иштирок этдилар.

Улар мудом қувончга муносиб



Тадбир доирасида Ўзбекистон касба уюмлари Федерацияси мутахассислари томонидан турли ёшдаги болажонларга мазкур сананинг моҳияти интерактив усуллар орқали тушунтириб берилди. Хусусан, иштирокчиларга тақдирот ва роликлар ёрдамида мамлакатимизда бола ҳуқуқларининг таъминлини тўғрисида батафсил маълумотлар берилиб, мавзуга оид қатор танлов ва викториналар ташкил этилди.

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиб, баркамол авлод тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда болалар меҳнатига йўл қўймаслик, бола ҳуқуқларини ҳимоялашнинг кучли механизмларини янада ривожлантириш, шунингдек, халқаро конвенцияларга мувофиқ миллий қонунчилик базаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштиришга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистонда болалар меҳнатидан фойдаланиш ҳолатларининг мавжуд эмаслиги Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари томонидан ҳам дунё миқёсида эътироф этилди. 2016–2021 йиллар мобайнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасига Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар 5 бараварга оширилди. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, пандемия даврида муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» жорий этилиб, уларга киритилган оилалар, хотин-қизлар ва ешларга манзилли амалий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида давлат ижтимоий дастурлари орқали аҳолининг, шу жумладан, болаларнинг ижтимоий ҳимояланганлик даражасини янада юксалтириш белгиланган.

Амалга оширилаётган ана шундай хайрли ишлар самараси «Ниҳол» оромгоҳида ташкил этилган тадбирда янада яққол намоён бўлди.

Тадбирда болажонлар ўртасида расм чизиш, шахмат, шашка, стол тенниси, хунармандчилик бўйича мусобақа ва танловлар ташкил этилиб, уларда ғолиб бўлган ўғил-қизлар қадимий ҳунармандчилик билан тақдирландилар. Ёш авлод вакиллари билан бола ҳуқуқлари борасида ўтказилган халқаро конвенциялар бўйича хабардорлик ва билимларга эга эканини кўрсатди.

Тадбир давомида болажонлар бутун дунё болаларига эзгулик ва бахт тиладилар ҳамда самога юзлаб рангбаранг пуфаклар учирдилар. Якунда болаларга Ўзбекистон давлат мусиқали комедия театри актёрлари ижросида спектакль намойиш этилди.

Муҳаббат Тўрабоева,
«ISHONCH»Самарқанд
вилояти

ТАДБИРЛАР МУНДАРИЖАСИДА НИМАЛАР БОР?

Самарқанд вилоятидаги ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари бирин-кетин болаларни қабул қила бошлади. Айни чоғда, табиат қўйнидаги 12 та масканда 1700 нафарга яқин ўқувчи таътилни мароқли ўтказмоқда.

Ургут туманидаги «Чорчинор» оромгоҳида мавсумга пухта тарафдор бўлиб кўрилади. Болаларнинг таътилни мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар яратилди.

– Шу кунларда 300 нафар ўқувчи тоғ этагидаги сўлим масканда дам олириляпти, – дейди «Чорчинор» оромгоҳи раҳбари Шавкат Туронов. – Бу йил оромгоҳда дам олувчилар ўртасида китоб оламини чуқурроқ англашга таъминланган тадбирлар мундарижаси кенгайтирилди. Спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий тадбирларга ҳам кенг ўрин берилган.

Оромгоҳдаги барча шарт-шароитлар дам олувчиларга манзур бўлмоқда. Мавсум мобайнида оромгоҳда қоракўрақли спортнинг 300 нафар болани дам олдириш ҳам кўзда тутилган.

Нурилла Шамсиев,
«ISHONCH»Муҳаббат Ўрмонбекова,
Ўзбекистон касба уюмлари
Федерацияси Матбуот хизмати раҳбариХоразм
вилояти

Ёзги соғломлаштириш

Андижон
вилояти

Тўғарақлар ўқувчилар ихтиёрида

Андижон туманида ўқувчиларнинг мазмунли хордиқ чиқаришлари учун мактаблар қошида бешта соғломлаштириш майдончалари ташкил этилиб, биринчи даврада 1,5 минг нафар ўқувчи қамраб олинди.

Турли фан, спорт ва касбларга оид 10 та тўғарақда машғулотлар ўтилоқда ва бунинг учун барча шароитлар яратилган.

Шу кунларда «Баркамол авлод» марказлари ҳам болалар билан гавжум. Ўқувчилар ўзлари ёқтирган тўғарақларга қатнашмоқда.

Эътиборли жиҳати, ёзги таътил даврида вилоят миқёсидаги 45 та соғломлаштириш майдончасида 13 минг 350 нафар ўқувчи машғулотларга қатнашиб, ҳам билимларини бойитиши, ҳам жисмонан чинқишилари мумкин.

Анваржон Ҳалимов,
«ISHONCH»Қашқадарё
вилояти

Фаолият

Китоб туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактаби ходимаси Лайло Бекова 2020 йили ноқонуний ишдан бўшатилгани тўғрисида Таълим ва фан ходимлари касба уюмларининг Китоб тумани кенгашига мурожаат қилган ва уюшма аралашуви билан суд орқали вазифасига тикланган эди. Орадан бир йил ўтиб, у яна лавозимидан озод этилди. Табиийки, у бу сафар ҳам касба уюшмасидан нажот кутди.

ХОДИМЛАР РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДА

Можарога тааллуқли ҳужжатлар ўрганилганда қонун бузилишларга йўл қўйилгани аниқланиб, бу ҳақда мактаб раҳбарига билдирилди. Бироқ директор ходимга ён босмади. Оқибатда иш яна кўриб чиқилди ва суд қарори билан Лайло Бековага уч ойлик маоши тўланди ва у ишига тикланди.

Яқинда Бекова ўзининг аъзолик ҳуқуқларидан фойдаланиб, туман кенгашига санаторийга йўлланма сўраб мурожаат қилди. Илтимос қаноатлантирилган, у «Қашқадарё соҳили» санаторийсида саломатлигини тиклади.

– Йил бошидан буён кенгашимизга турли масалалар бўйича 165 та мурожаат тушди, – дейди Таълим ва фан ходимлари касба уюшмасининг Китоб тумани кенгаши раиси Баҳриддин Эгамбердиев. – Уларнинг аксариятини санаторийларга йўлланмалар ва моддий ёрдам сўрашга доир аризалар ташкил қилади. Шунга кўра, ҳозирга қадар 41 нафар ходимга санаторийга йўлланма тақдим этилди. Яна 23 нафар педагог «Қашқадарё соҳили» санаторийсида бепул соғломлаштирилди. Таълим даргоҳларида ишлаётган 16 нафар пенсиядаги фахрийга ҳам моддий, ҳам манзилли ёрдам кўрсатилди. Сурункали касалликка чалинган, оилавий шароити оғир ходимлардан бир нечтасига кўмаклашилди. Айни кунларда эса 50 нафар ўғил-қиз Мирзо

Улуғбек номидаги оромгоҳда хордиқ чиқармоқда.

Туман тармоқ касба уюшмаси тизимида 128 та бошланғич ташкилот бор. Шунингдек, мактабга таълим бўлими касба уюшма кўмитаси негизда 43 та нодавлат таълим ташкилоти аъзоликка олинган. Ҳар ойнинг иккинчи сешанбаси «Бошланғич ташкилотлар кунини» деб эълон қилинган. Шу муносабат билан уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, етакчиларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари кўриломоқда. Афсуски, бошланғич ташкилотлардаги меҳнат низолари комиссиялари фаолияти қониқарли эмас. Таълим муассасасининг ўзида ҳал этилиши мумкин бўлган баъзи масалалар эса юқори ташкилотлар миқёсида кўриломоқда. Шу боис жойларга чиқилганда комиссия ишини жонлантириш бўйича ҳам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Кейинги вақтда бот-бот тилга олинган «Халқни рози қилиш» деган таълим касба уюшмалари фаолиятида ҳам асосий мезонга айланган. Юқоридики гувоҳи бўлганимиздек, ходимнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий манфаатлари қанчалик тўлақонли ҳимоя қилинса, унда ҳаётдан розилик, миннатдорлик ва келажакка ишонч туйғуларини шунчалик мустаҳкамланаверади.

Акмал Абдиев,
«ISHONCH»

Фанлар академияси ҳамда академиянинг Бирлашган касба уюшмаси кўмитаси ҳамкорлигида «Академиада – 2022» спорт мусобақалари ўтказилди.

«Академиада»да ким ғолиб?

Илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг бундай вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишларини таъминлаш мақсадида бир неча босқичда ташкил этилган беллашувларда иштирокчилар академикросс, бадминтон, стол тенниси, шахмат бўйича ўзаро куч синашишди.

Қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлган мусобақаларнинг финал босқичида 1-, 2-, 3-ўринларни қўлга киритган ғолиблар диплом, пул мукофоти ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шерзод Жўраев,
ЎЗАФ Бирлашган касба уюшмаси кўмитаси раиси

Мусобақа

Ёш қутқарувчилар баҳси

Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўзаро ҳамкорликда «Ёш қутқарувчи – 2022» мусобақасини ўтказди.

Тадбирнинг республика босқичида 28 та жамоа вакиллари тасодифан рўй берадиган ноҳус ҳодисалар чоғи тезкор ёрдам кўрсатиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Финалга етиб келганлар орасида Сергели тиббиёт коллежининг даволаш иши йўналиши гуруҳи ўқувчиси Жамила Раҳмонбердиева «Энг яхши қутқарувчи қиз», шунингдек, коллежнинг «Шунқорлар» жамоаси «Йилнинг энг яхши гуруҳ номи ва шиори» номинацияси совриндори бўлди.

Ғолибларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Раъно Маҳкамова,
«ISHONCH»

Спартакиада

Поп туманининг Чодак қишлоғида жойлашган «Нилуфар» болалар дам олиш масканида Данғара тумани тиббиёт бирлашмаси касба уюшма кўмитаси томонидан ишчи-ходимлар ўртасида «Саломатлик спартакиадаси» ўтказилди.

ҲАМ МУСОБАҚА, ҲАМ МАРОҚЛИ ХОРДИҚ

200 нафарга яқин тиббиёт ходими иштирок этган мазкур мусобақада шифокорлар спортнинг волейбол, мини-футбол, стол тенниси, шахмат, шашка турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

– Тоғ ён бағридаги сўлим гўшада ўтказилган спорт мусобақаси биз учун ҳар томонлама фойдали бўлди. Ҳам мусобақалашдик, ҳам бетақрор табиат қўйнида мароқли хордиқ чиқардик, – дейди тез тиббий ёрдам ҳамшираси Мухайёхон Абдуллаева.

Мусобақа ҳар жиҳатдан қизғин ва муросасиз кечди. Ғолибларга касба уюшма кўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Жамшид Эргашев,
«ISHONCH»

Суд залидаги ўйлар

Зангиота туманидаги 24-сон тарбия колонияси мажлислаш зали. Зал тарбияланувчилар ва уларнинг ота-оналари билан тўла... Бу ерда 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судининг сайёр мажлиси ўтказилди.

Олти нафар тарбияланувчининг иши қайта кўриб чиқиши керак...

Суд зали, ундаги муҳит дилларда аллақандай ноҳуш ҳисларни уйғотади. Кўнгилда оғриқли саволлар пайдо бўлади: бу ўспиринлар қандай жиноят содир этганки, озоликдан маҳрум қилинган? Боши берк кўчага кириб қолишларига сабаб нима?



Йўқотилган ёшлик надоматлари

...Судья Зафар Шаропов очиқ сайёр суд мажлисини бошлашдан олдин тарбияланувчиларни байрам билан табриклади. Мамлакатимизда инсон қадри йўлида олиб борилаётган хайри ишларга алоҳида тўхтади.

– Фарзанд – ниҳол каби нозик, – деди Зафар Шаропов. – Ниҳолга ўз вақтида эътибор берилмас, қийшиқ ўсади ёки қуриб қолади. Шу сингари болани ўз ҳолига ташлаб қўйишнинг оқибати ҳам аянчли яқун топиши мумкин. Ўспиринларнинг жазосини енгиллатишдан қўзланган асосий мақсад битта – уларни тўғри йўлга қайтариш. Ишончим комил, суд қилинаётган олти нафар тарбияланувчи қилган ишдан пушаймон, тавба-тазарру қилган, содир этган жиноятнинг салбий оқибатларини тушуниб етган. Буни жазони ўтати пайтида бир неча бор рағбатлантирилганидан ҳам билса бўлади.

Суд жараёни бошланди. Залга оғир сукунат чўмди. Зафар Шаропов дастлаб тарбияланувчи Амал Р. (17 ёш) Жиноят кодексининг қайси моддаси билан жазога ҳукм қилинганини ўқиб эшиттирди. Унинг аризаси мазмуни билан суд ҳайъатини таништирди. Масала муҳокама қилинди. Судланувчига охириги сўз берилди:

– Мактабда аъло баҳоларга ўқирдим, – дея гап бошлади Амал. – Оила-ишда тез-тез етишмовчилик бўларди. Ота-онам бизни қўқиш учун ўзини ўққа-чўққа урди. Бизга кўш вақт ажратма олмади. Ёшим улғайган сари ўқишдан кўнглим совиди. Кўчада сангилди-дан одат чиқардим. Кейин ўғирликка қўл урдим. Ўрганиб қолдим. Бир куни кўлга тушдим. Ҳозир қилган ишимдан афсусдаман. Имконият берилса, энди бу йўлга қайтмайман. Ўқиб-ўрганаман, бирон касбининг бошини тутиб, эл-юрт хизматига бўламан. Бу ерда мени соғинч азоби қаттиқ эзлатди, тутқунликдаги ҳаёт менга катта сабоқ бўлди.

Шу зайдла яна 5 нафар ўспириннинг суд жараёни бўлиб ўтди.

Кейин, суд ҳукми ўқиб эшиттирилди:

...*Жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судининг ҳукми билан тарбияланувчилар – А.Р. Р.Қ. А.Г. Л.А., Ш.Н. ва З. М.ларга нисбатан қўлланилган озоликдан маҳрум этиш жазоси озоликдан чеклаш жазосига алмаштирилсин ва улар бугуннинг ўзидан 24-сонли тарбия колониясидан*

озод этилсин!

Сукунат чўккан зал қарсақлари ота-оналар йиғисидан ларзага келди...

...Бир аёл суд мажлиси бошланиб тугагунча боши эгик холда ўтирди. Ҳеч кимга, суд ҳайъатига ҳам қараммади. Озоликка чиққанлар қаторида фарзанднинг номи айтилганида эса хўнграб йиғлаб юборди. Суд жараёнидан сўнг ундан ўғли ҳақида сўрадим.

– Онани яратмасин экан, – дейди ўзини таништиришни хушламаган аёл. – Ҳеч ким боласининг ортидан шундай жойларга келмасин. Оилада ёлғиз ўғил бўлгани учун уни кўп тергамадик. Айтганини қилдик. Мактабда, кўча-кўйда биров билан ёқалашса, ёнига тушдик. Ўқитувчиларнинг огоҳлантиришига эътибор бермадик. Шўхликларини ёшликка йўйдик. Катта бўлса, қуйилиб қолар деб ўйладик. Аммо адашган эканмиз. Ўғлимнинг эркаликлари ва эътиборсизлигимиз шу ерга етаклаб келди...

Афсус, вақтин ортага қайтариб бўлмайдим. Уятдан бошимни кўтара олмаяпман. Энди фарзандимнинг бир зумга бўлса-да, ўз ҳолига қўймайман. Ҳар бир қадамимни назоратга оламан. Токи ҳаётдаги энг катта хатоси шу бўлсин ва бошқа адашмасин!

Тарбия колониясидagi ўспиринларнинг биронтасини оқлаш ниятимиз йўқ. Қай бири калта ўйлаган, бошқиси кимнингдир таъсирига тушган, яна бири осон йўл билан кўпроқ пул топишни ўйлаган. Кимнингдир дунёқараши тор, кимдадир ирода бўш. Баъзи бировларини эса оилавий етишмовчилик, иқтисодий танглик шу қўйга солган...

Рўзимурод Қ. 17ёш ёшда. Унинг отаси йўқ, Онаси билан бир фермернинг шийпониди ижарада яшарди. Битта дўкандан 39 та телефон ўғирлагани учун озоликдан маҳрум этилган.

– Онамнинг қийналаётганини кўриб, чидаб туролмадим, – дея ўша кунларини хотирлайди Рўзимурод. – Ёрдан бериш ниятида шу жиноятга қўл урдим. Аммо онамга ёрдан бериш ўрнига уни баттар азобда қолдирдим. Онам бу дунёда фақат мени деб барча қийинчиликлар, азоб-уқубатларга бардош бериб келяпти. Мен эса уларга муносиб ўғил бўлолмаяпман... Мутасаддиларнинг муруввати тўғрисида жазодан озо бўляпман. Энди бу йўлга қайтиб қадам босмайман. Ўзимга шун-

дай сўз бердим бугун...

Қандай сабаб билан содир этилмасин, жиноят ҳамиша жиноятлигича қолаверади. Ночорликдан жиноят содир этган одам нафақат ўзини, балки яқинларини ҳам оғир ахволга солиб қўйгани қолади, холос. Рўзимурод бу аниқ ҳақиқатни ўз тақдирини мисолида аниқлаб етганига ишонинг келди...

Гарчи тарбия колониясида тарбияланувчилар учун барча шарт-шароит яратилган, ота-оналари улзуксиз хабар олиб турган, мутасаддилар ҳар байрам арафасида турли тадбирлар уюштириб, уларнинг кўнглини кўтарётган бўлса-да, тутқунликда ўтган бир кун минг кундек туюлаверади.

Ҳа, ҳаёт бешафқат. Бу қалин деворлар, тиканли симлар билан ўралган муассаса ҳатто кичик болаларни ҳам бир зумда каттага айлантириб қўяди.

Аччиқ тақдирлар билан танишар, надоматларга қулоқ солар экансан, оғир бир дард вужудингни қамраб олади. Беихтиёр нафасинг қисилди, колониядан тезроқ чиқиб кетгинг келди... Олти нафар ўспирин озолиқ этилиб-ку, дея таскин топагандек бўлсан. Аммо фарзандининг «шўхлиги» тўғрисида юрагини алам-изтироб кемираётган, ўзини қўярга жой тополмаётган, кўзи ёшга тўла ота-оналарнинг ҳолати кўз ўнгингдан сира кетмайди. Улар гўёки «болаларимизнинг шу ахволга тушишига биз сабабчимиз, гуноҳқоримиз, кечинринглар», дейяётгандек...

Аслида, ёшларнинг жиноятга қўл уришига биз ҳам қисман айбдормиз. Қўни-қўшни, қариндош-уруғ, маҳалла оқсоқоли, фаоли, ҳоким, жамоат вакили сифатида айбдормиз. Колониядаги бу ёшлар бизнинг хатоларимиз, жамиятимиз азоблари, фожиалари... Бекарволимиз, лоқайдлигимиз, ўзимиздан бошқани ўйламаслигимиз «мевадиси». Қоғозда ҳамма ишимиз беш. Амалда эса... баландровоз ҳисоботлари, ёлғон қарсақлар... Ҳўш, қачонгача сабаблар қолиб, оқибатлар билан курашамиз?!

Тарбияланувчиларга қараб, шундай хулосага келдим: юртимизда ўспиринлар, ёшларни тўғри йўлга бошлаш, уларни уюштириш, бирон бир касб-хунарга йўналтириш, умуман, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида қўлланган тақдирлар тузилган ва тегишли қонунлар билан уларга аниқ вазифалар белгилаб берилган. Афсуски, улар асосий иш қолиб, қуруқ тадбирозлиғи қоғозбозлик билан шуғулланиб юрибди. Аччиқ бўлса-да, бу – ҳақиқат.

Токи жамиятда ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш учун жиддий киришилмас, амалий ишларга ўтилмас экан, ҳеч биримизнинг кўркак кериб юришига, оғиз тўлдириб мактанига ҳаққимиз йўқ. Инчунун, тўқчиллик, қаровсизлик, ва аниқса, етишмовчиликдан жиноятга қўл ураётган болалар жамиятни қаттиқ хавотирга солиши, ўйлантириши шарт! Акс ҳолда...

24-сонли тарбия колониясидан қайтарканман, ҳаёлдан мана шундай оғир ўйлар ўтди...

Гулмонжон МИРАҲМЕДОВ, «ISHONCH»

Эшонлар

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 12-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда Бейсенова Айжамоли Куролбек қизи номига берилган УМ № 1068094 рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 1-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2016 йилда Тошпулатова Манзураҳон Фарход қизи номига берилган О'Р-У № 7562425 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги 266-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда Ўктамов Шохруҳбек Муҳиддин ўғли номига берилган УМ № 0716788 (руйхат рақами 77) рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани Содиқ Азимов ва Махтумқули кўчалари кесишуви, рақамсиз уй манзилида жойлашган «Quilay Vest» МЧЖ (СТИР 308232615) Жамиятининг ягона азоси қарорига мувофиқ (2022-йил 1-июндаги Б/Н рақамли қарор) Жамиятни «Shinap Sartmo» МЧЖга қўшиб қайта ташкил этиш жараёни бошлайди.


Қайта ташкил этиш жараёни ўтказилгандан сўнг «Shinap Sartmo» МЧЖ (СТИР 308232694) «Quilay Vest» МЧЖнинг хукуқий вориси бўлади.

Учинчи шахсларнинг даъволари бир ой муддатда Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани Содиқ Азимов ва Махтумқули кўчалари кесишуви рақамсиз уй манзили бўйича қабул қилинади.



Жаҳон иқтисодиёти: Прогнозлар, стагфляция хавфи ва чоралар

Пандемиянинг салбий оқибатларини бартараф этиш масаласи ҳамон халқаро миқёсдаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб турган бир пайтда Россия ва Украина ўртасидаги можаро, давлатларнинг ушбу қарма-қаршилик фониди ўзаро санкциялар қўллаш, маҳсулотлар импортига эмбарго қўйиш йўлини танлагани, логистикадаги қийинчиликлар дунё иқтисодиётидаги вазиятни янада мураккаблаштирди. Жумладан, жаҳон бозорида озик-овқат, нефть-газ ва бошқа маҳсулотларнинг нархи кескин кўтарилиб бормоқда. Ривожланган, ўзига тўқ давлатларда инфляциянинг кучайиши кузатилаётган бўлса, қашшоқ мамлакатларда, экспертларнинг фикрича, очлик муаммоси хавфи юзага келяпти.



Масалан, «Eurostat» маълумотларига кўра, май ойида евроҳудудда инфляция даражаси евро жорий этилган 1999 йилдан бери энг юқори кўрсаткич – йиллик 8,1 фоизга етди. Ягона валюта бирлигига аъзо давлатлар орасида нархларнинг энг тез кўтарилиши эса Эстонияда қайд этилди. Яъни бу ерда инфляция йиллик ҳисобда 20,1 фоизга тенг бўлди. Ушбу рақам Литвада 18,5, Латвияда 16,4, Буюк Британияда 9,1, Германияда 8,1, Мальтада 5,6 фоиз ва ҳоказо кўринишда кузатилди. Кўрсаткичларнинг бундай хилма-хиллиги асосий энергия етказиб беришга турли даражада боғлиқликка дахлдордир.

«Кўхна қитъа»да яшаш нархининг ошиши тўғрисида, табиийки, аҳоли ҳам одатий истеъмол тарзини ўзгартиришга мажбур бўляпти. Озик-овқат маҳсулотларини харид қилишда «камроқ сотиб олиш» тенденцияси кўзга ташланмоқда.

Америка Қўшма Штатларида эса бензин нархи тарихий рекордларни янгилашда давом этмоқда. «NBC News» телеканали хабарига қараганда, 4 июнда ушбу турдаги ёқилгининг бир галлони (3,785 литр) 4,76 долларгача кўтарилган бўлса, 11 июнга келиб 5 доллардан ошди. Чунки халқаро биржаларда нефть баҳоси ўсатди. Хусусан, Лондоннинг «ICE Futures» биржасида «Brent» маркали «қора олтин»нинг бир баррели 124, Нью-Йорк биржасида эса «WTI» типидagi нефть нархи 122 доллардан ошиб кетди. Табиий ҳақ бозоридagi аҳоли ҳам бундан кам эмас. АҚШда ушбу маҳсулот нархи охириги бир йилда 204 фоизга кўтарилди.

66 Кўпчилик Америкада ойлик даромад юқори, нархлардаги бундай ўзгариш унчалик ҳам сезилмайдиган фикрни айтиди. Даромад юқорилиги тўғри, лекин умумий манзара ҳақидаги тасаввур нотўғри. Чунки халқаро бозордаги тебраниш АҚШнинг соҳа ва тармоқлари фаолиятга, пировадрда аҳоли турмуши тарзига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмапти. Мисол учун, жорий йилнинг март ойида мазкур давлатда инфляция даражаси 8,5 фоизга ташкил этган бўлса, апрелда нисбатан яшилгани, 8,3 фоизга қайтгани. Бироқ, май ойида инфляция кутулмаганда 8,6 фоизгача кўтарилди. Бу 1981 йилдан бери қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир. Яъни, бундан қарий 41 йил олдин, декабр ойида мамлакатда 8,9 фоизлик инфляция кузатилган.

66 Ташқи хавф-хатарлар таъсирини камайитриш мақсадида тадбиркорларни қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари белгилади. Жумладан, банклар томонидан тадбиркорларга хомашё сотиб олиш ва айланма маблағлар учун қўшимча 10 триллион сўм «револьвер» кредитлар ажратилгани, Давлат дастурлари доирасида мева-сабзавотчилик, оилавий тадбиркорлик, ипотека ва таълим кредитлари ҳажми ҳам, имтиёзли ставкалар ҳам сақлаб қоллинди.

Мазкур нуфузли халқаро молия ташкилоти кутулмаларига мувофиқ, Ўзбекистон ақин икки йилда Марказий Осиё давлатлари орасида энг юқори иқтисодий ўсишни қайд этади. Европа ва Марказий Осиё минтақасида юртимиз Грузия (+5,5 фоиз) ва Венгриядан (+4,6 фоиз) кейин учинчи ўринни эгаллайди.

Албатта, бу жуда қувонарлик. Лекин унинг омиллари нимада деган саволга ҳам изоҳ бериб ўтиш адолатдан бўлади, албатта. Чунки глобал миқёсда шундай оғир ва мураккаб вазият ҳукм сураётганда мамлакатнинг барқарор тараққиётга эришиши ўз-ўзидан бўладиган иш эмас.

Муваффақиятнинг асосий пойдевори, шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона иқтисодий сиёсати, халқаро бозордаги вазиятни мунтазам таҳлил қилиб, ўз вақтида зарур чоралар қўриб бораётгани билан боғлиқ. Бу ўринда аҳоли бандлигини таъминлаш учун чорва ва паррандалар тарқатиш тизими йўлга қўйилгани, турли имтиёзлар жорий қилинаётгани, «Темир дафтари», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» каби му்தлақо ноёб тажриба ҳаётга таъбиқ этилгани, тадбиркорлар қўллаб-қувватланаётгани каби кўпдан-кўп мисолларни келтириш мумкин.

Узоққа бормайлик: жорий йилнинг 31 март кунин Президент раислигида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, бизнесни қўшимча қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Аҳоли уша йиғилишда давлат раҳбари «Ҳозир кунда мураккаб давр давом этапти, ҳар куни янги синовлар билан тўқнаш келяпмиз. Лекин, эртага нима бўлади, деб кутиб ўтириш ярамайди. Муаммоларни тезкор аниқлаб, ҳал қилиш ва янги имкониятларни излаб топшимиз керак», дея қатъий таъкидлади.

Қолаверса, давлат раҳбари деярли ҳар бир соҳа, тармоқ бўйича видеоселектор йиғилишлари ўтказиб, мавжуд масалаларни атрафлича муҳокама қилмоқда. Муайян фурсат ўтган эса унинг натижадорлигини сарҳисоб қиляпти. Жойларга ташриф буюрганда аҳоли, тадбиркорлар билан учрашиб, халқнинг дардига қулоқ солмоқда. Яъни ҳеч бир масала эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Қолаверса, давлат раҳбари деярли ҳар бир соҳа, тармоқ бўйича видеоселектор йиғилишлари ўтказиб, мавжуд масалаларни атрафлича муҳокама қилмоқда. Муайян фурсат ўтган эса унинг натижадорлигини сарҳисоб қиляпти. Жойларга ташриф буюрганда аҳоли, тадбиркорлар билан учрашиб, халқнинг дардига қулоқ солмоқда. Яъни ҳеч бир масала эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Яқинда Жаҳон банки янгиланган прогнозларини эълон қилди. Унга кўра, 2022 йилда дунё иқтисодиётидаги ўсиш жорий йил январь ойида айтилганидек 4,1 фоиз эмас, балки ундан сезиларли даражада паст – 2,9 фоиз бўлади. Ҳатто 2023–2024 йилларда ҳам шунга яқин ҳолат сақланиб туради. Ваҳоланки, 2021 йилда жаҳон япи ички маҳсулоти ўсиши 5,7 фоизни ташкил этганди. Мутахассислар стагфляция хавфи ҳақида огоҳлантириб, глобал иқтисодиёт аллақачон заиф ўсиш ва юқори инфляция босқичига ўтганини таъкидламоқдалар. Стагфляция – бу иқтисодиёт-

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, анкироғи, 2022 йил 8 апрелда давлат раҳбарининг «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали камбағалликни икки баробарга қисқартириш, иқтисодиётда рақобатни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш, бозор муносабатларига тўлақонли ўтишни жадаллаштириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини, хусусий инвестициялар ҳоimini кескин ошириш ҳамда бизнес доираларининг ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган ҳужжатда жуда кўп вазифалар аниқ белгиланган. Ва уларнинг самарали амалга оширилиши, албатта, мамлакатнинг янада жадал равақини таъминлайди.

Кейинчалик Юртовшимиз хизмат-лаш сифати ва қамровини, маҳаллабай ишлаш тизими натижадорлигини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, товар-хомашё биржасида савдоларни ва унда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш, нефть-газ хомашёсини қазиб олиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ҳудудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ташкил қилиш, уларни зарур инфратузилма билан таъминлаш, қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бўйича ҳам қатор йиғилишлар ўтказиб, масуалларга аниқ топириш ва кўрсатмалар берди. Уларнинг самаралари ҳам тез орада кўзга ташланади.

Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодий сиёсати, янги шароитдаги ўзгаришлар жараёнини нафақат Жаҳон банки, балки бошқа халқаро ташкилотлар ҳам эътироф этмоқда. Албатта, муайян қийинчиликлар, ҳал этилиши зарур бўлган масалалар борлигини ҳам ҳеч ким инкор этмайди. Улар ечимини топиб бораверади. Аммо глобал миқёсдаги вазиятга нисбатан олганда, мамлакатимиздаги ҳозирги мавжуд барқарор ҳолат ва аҳоли учун мақбул шароитларни таъминлашга қаратилган чоралар танланган йўлнинг нақадар тўғри экани яна бир қарра тасдиқлаб, кўнгилда миннатдорлик туйғусини уйғотади.



